

ИНСОН ҲУҚУҚИ
МУҚАДДАС

МИЛЛИЙ ДАВЛАТЧИЛИК:
ЯНГИ БОСҚИЧ, ЯНГИ ҲОҶАРАТ

КАЙФИЯТ ҚАНДАЙ,
МУАЛЛАМИ?

Обиқ АСОМОВ:
«МИШ-МИШЛАРНИНГ
ҲАМ ТАШТИ БОР»

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲЕЧ БИР МИЛЛАТ-
НИНГ АЗАЛИЙ УРФ-ЎДАТЛАРИНИ
ИНҚОР ЭТМАЙДИ

ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТГА
ҚАНДАЙ ЭҲТИЁЖ БОР?

СОЛҚИЧ ЁКИ БАНК ХОДИМИНИНГ МАОШИ УЧУН
НАҚД ПУЛ ТОПИЛАДИ.
МУАЛЛАМИГА ҚЕЛГАНДА...

ҚИЗҚИЧ ВА АКТЁР
ОБИҚ АСОМОВ БИЛАН СУХБАТ

Mustaqillik huquq demakdir

НУШО

16
(279)

YURIDIK GAZETA

April					
D	7	14	21	28	
S	1	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Y	6	13	20	27	


2003

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqarib boshlagan.

E-mail: huquq@infonet.uz

ЭРТАГА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХІ СЕССИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАЙДИ

Чоршанбадан Чоршанбагача



✓ **ПАРЛАМЕНТ ҚО'МИТАЛАРИДА**

ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нуриддинжон Исмоилов билан суҳбат

— Эртага Ўзбекистон Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн биринчи сессияси ўз ишини бошлайди. Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ушбу сессияга қандай тайёргарлик билан келяпти?

— Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётига оид бир қатор қонун ҳужжатлари депутатлар ихтиёрига ҳавола этилган. Албатта, ҳар бир ҳужжат, қонун лойиҳаси ва бошқа шу каби масалалар у ёки бу қўмилада муҳокама этилади. Бизнинг қўмилада ҳам кеча бўлиб ўтган йиғилишда «Ўзбекистон Конституциясига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»-ги (яни тахрирда), «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳалари, Ўзбекистон Олий суди, Конституциявий суди таркибига ўзгариш киритиш

тўғрисидаги ва бошқа шу каби ҳужжатлар муҳокама қилинди.

— Ушбу қонун лойиҳаларида назарда тутилган янгиликлар нималардан иборат?

— Маълумки, референдум ўтказилганидан буён ўтган давр мобайнида учта конституциявий қонун қабул қилинди. Улар «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»-ги конституциявий қонунлардир. Эртага ўз ишини бошлайдиган сессия кун тартибига киритилаётган қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳам ана шу қонунлар талабидан келиб чиқиб киритилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

16 апрель

Навоий вилояти ҳокимлигида «Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш — Ўзбекистондаги ижтимоий жараёнларни демократлаштириш ва эркинлаштириш» мавзусида семинар ўтказилди.

17 апрель

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2003-2004 йилларда корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» Қарор қабул қилди.

18 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи А.Юлбарисов тўғрисида»-ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузурдаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Фаргона вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Факултетада вазиятлар вазири билан БМТ ва НАТО ҳамкорлигида шу йил 28-30 апрель кунлари ўтказиладиган «Фаргона-2003» халқаро машғулот ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

21 апрель

Руминия Президенти Ион Илиескунинг мамлакатимизга расмий ташрифи бошланди.

Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ ўн биринчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.

22 апрель

Вазирлар Маҳкамасининг «Хусусийлаштирилган корхоналарни корпоратив бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарори матбуотда эълон қилинди.

✓ **2003 ЙИЛ — ОВОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

МАҲАЛЛАНИНГ ПЕДАГОГ - ТАРБИЯЧИСИ

БУ ВАЗИФАГА КИМЛАР ТАЙИНЛАНГАНИ МАЪКУЛ?

Халқимизнинг умуминсоний қадриятларга ҳурмати ва садоқатига шубҳа йўқ. Шу билан бирга халқимизнинг ўзини-ўзи тегишли қадриятлари ҳам мавжудки, улар зоҳир тарихига эга. Йиллар, асрлар оша сайқал топиб келаятган бундай қадриятлар бугунга келиб миллат менталитетини ифода қилади. Мисол қилиб, жамиятимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган маҳаллаларни олайлик. Бирон бир ўзбекистонлик ўз ҳаётини маҳалладан ажралган ҳолда тасаввур қилолмайди. Агар шундайлар бор бўлса, демакки улар жамиятдан ҳам ташқаридаги кишилардир...

Маҳалла ҳусусида, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида том-том китоблар ёзиш, кўплаб илмий ишлар қилиш мумкин. Биз эса унинг биргина ёш авлод тарбияси билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида баъзи мулоҳазалар билдириш билан чекланамиз.

Тошкент шаҳрининг ўзида айни пайтда 449 та маҳалла мавжуд, уларда 695.512 нафар болалар ва ўсмирлар камол топишмоқда. Эътироф этиш керак,

истиклол йилларида юртбошимиз раҳнамолигида вояга етмаганлар билан боғлиқ муаммоларнинг энг тўғри ечими танланди: яъни, ёш авлод тарбиясида маҳалла омилга эътибор кучайтирилди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги қарорининг 4-бандига мувофиқ ҳудудда камидан 500 та оила яшайдиган маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва овуллардаги фуқаролар йиғинлари штат таркибига ёш авлод тарбиясига масъул бўлган, вояга етмаганлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий спорт ишларини ташкил этишчи педагог-тарбиячи лавозими киритилган эди. Яъни, ҳар 500 оиллага 1 нафар педагог-тарбиячи ажратилган эди. Тошкент шаҳри миқёсида эса 444 педагог-тарбиячи штати белгиланган.

Савол туғилиши мумкин: биз маҳаллани тарбия ва назорат институти деб айтганимиз ҳолда, маҳаллаларда ёшлар тарбиясига масъул бўлган педагоглар фаолиятига ҳолат борми?

Ҳа, шундаки, мазкур штатнинг жо-

рий қилинишидан мақсад юқорида таъкидлаганимиздек, маҳаллаларда тарбиявий йўналишда ўтказиладиган тадбирларни ташкиллаштириш, назоратга муҳтож ўспиринлар билан ишлаш, умумий тарзда айтганда, маҳалланинг тарбия билан боғлиқ функциясини мувофиқлаштиришдан иборат. Хўш, бугун маҳаллаларга бириктирилган ана шундай педагог-тарбиячилар фаолияти қутулган натижани бераётими?

Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан мазкур йўналишда олиб борилган текшириш натижалари буни тасдиқлаш имконини бераётми.

2002 йил май ойидан эътиборан педагог-тарбиячилар ҳокимиятлар тасарруфига ўтказилган бўлса-да, ҳалигача кўплаб ҳокимликлар томонидан педагог-тарбиячилар учун услубий қўлланмалар ишлаб чиқилмаган. Лавозимга қабул қилинган педагог-тарбиячилар ишни нимадан бошлашни билмай ҳайрон. Уларда, ҳатто, қаердан қандай маълумот олиш ва йиғиш ҳақида ҳам тушуنча йўқ. Ҳалигача мутасадди

ташқилотлар ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилмаганига гувоҳ бўлишдан нарига ўтишолмаяпти.

Маҳаллаларга бириктирилган, маош олиб ишлаётган педагог-тарбиячилар фаолиятсизлигининг яна бир сабаби бор: бу вазифага аксарият ҳолларда педагогик билимларга эга бўлмаган кишилар тайинланган. Ваҳоланки, низоом бўйича бу вазифа педагогик маълумотга эга кишилар зиммасига юклатилиши лозим.

Шу ўринда, яна бир мулоҳаза: текшириш натижаларини кўра эканмиз, педагог-тарбиячиларнинг аксари пенсия ёшидаги кишилар эканлигига, қолаверса, штатдагиларнинг кўпчилиги аёллар эканлигига гувоҳ бўлдик. Айтмоқчимизки, бу ўта масъулиятли ва мураккаб вазифани аёллар ва кексалар зиммасига юклаб қўйиш тўғри бўлармикин?

Ўлугбек ЖАЛОЛОВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи

ДЕПУТАТ ҲАЁТИГА СУИҚАСД



Россия Давлат думаси депутати Сергей Юшенковни ўлдирганликда тахмин қилинаётган шахнинг фотороботи шунчалик паст сифатга эгаки, милиция ходимлари хануз уни оммавий ахборот воситалари орқали чоп этиш ёки хизматда фойдаланиш учун олиб қўйиш ёхуд шунчаки жиноят ишига тикиб қўйиш хусусида иккиланашаяпти. Россия Ички ишлар вазири Борис Грызловнинг баёнот беришича, қотиллик бўйича тергов олиб бораётган ходимларнинг ишига асосланиб, жиноятчи албатта топилади дейиш мумкин. Хусусан, терговчилар депутат отиб ўлдирилган қурол ҳақида маълумотга эгалар. Қотиллик содир этилган жойдан топилган тўппончанинг номери, ўчириб ташланган бўлишига қарамай, аниқланган.

Эслатиб ўтамай, вафотига қадар Сергей Юшенков Давлат думаси депутати ва «Либеральная Россия» партиясининг ҳамраиси сифатида фаолият кўрсатар эди.



ҚУВАЙТДАН ХАЙВОНЛАР УЧУН

Ироқдаги урушдан, айтиш жоиз бўлса, аҳоли билан бирга Бағдоддаги зоопаркда сақланаётган хайвонлар ҳам жабр чеқди. Шунинг ҳам билан, дунёнинг турли минтақаларидан аҳоли учун инсонпарварлик ёрдами келиб турган бир пайтда, Қувейт ҳукумати хайвонларга ҳам ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Улар учун икки ҳафтага етадиган гўшт, мева ва сабзавотлар Ироқ поймаҳлимига келтирилди.

САДДАМ ҲУСАЙННИНГ ШАХСИЙ КОТИБИ

Ироқ Миллий конгресси вакилларининг баёнотида қараганда, Саддам Ҳусайннинг куёви Жамол Мустафо Султон ат-Тикритий Суриядан мамлакатга қайтиб, уларга таслим бўлган. Энди у америкалик ҳарбийлар қўлига топширилади. Жамол уруш бошлангандан бери ҳибсга олинган собиқ диктатор оила аъзоларининг биринчиси бўлди. Мамлакатдан чиқиб кетганига қадар Жамол С.Ҳусайннинг шахсий котиби бўлиб хизмат қилган.

ҲАРБИЙ БАЗАЛАР ТАҚДИРИ

Грузия Батуми ва Ахалкалакдан рус ҳарбий базалари олиб чиқиб кетилгач, россиялик ҳарбий хизматчиларга мамлакатда вақтинча яшаш ҳуқуқини беришга тайёр. Бу ҳақда душанба куни Грузия Ички ишлар вазирининг ўринбосари Каха Сихуралидзе баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, Грузия томони мамлакатдан Россия ҳарбий базаларини олиб чиқиб кетиш масаласида мўътадил позицияга эга. Расмий Тбилиси ҳарбий базаларни тугатиш учун уч йил етарлидир деб ҳисоблайди. Агар техника ва қурол-аслаҳалар бир йил мобайнида олиб чиқиб кетиладиган бўлса, мазкур базаларнинг мамлакат ҳудудида мавжуд бўлиш мuddатини узайтириш масаласи кўриб чиқилиши мумкин.

НИГЕРИЯДА ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

Ўтган шанба куни Нигерияда президент сайлови бўлиб ўтди. Муҳим миллий сайлов комиссиясининг душанба куни тарқатган маълумотида қараганда, мамлакатнинг амалдаги президенти Орлеанс Обасанжо дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича 66 фоизга яқин овоз тўплаб, рақиблиридан анча олдинда бормоқда. Унинг асосий рақиби Муҳаммад Бухарий 29 фоиз овоз олган. Бу — бюллетенларнинг учдан бир қисми саналгандан кейинги натижа. Ушбу маълумот эълон қилиниши билан М.Бухарий унинг сохталаштирилганлигини айтган. Сайлов натижалари тўғрисидаги тўлиқ маълумот ҳафта охиригача эълон қилинади.

ЎГИРЛИК АНИҚЛАНДИ

Россия Ҳисоб палатаси Чеченистонда 336 млн. рубль маблағ мақсадсиз ишлатилганлигини аниқлади. Бу ҳақда жума куни палата раиси Сергей Степашин маълум қилди. Гап марказдан Чеченистонга ижтимоий соҳани тиклаш учун йўналтирилган маблағ ҳақида кетмоқда. Аниқланишича, мазкур маблағнинг 21 млн. рубли ўғирланган. Тез орада ушбу ишга алоқадор барча ҳужжатлар прокуратурага тақдим этилади.

ЖУРНАЛИСТЛИК — ХАВФЛИ КАСБ

Шанба куни Фаластиннинг Наблус шаҳрида Associated Press агентлигининг оператори ўққа учди. У Исроил аскарлари ва фаластинликлар ўртасидаги отишма тўғрисида репортаж олиб бораётган пайтда бошидан оғир яраланиб, касалхонада вафот этди. Фаластинлик гувоҳларнинг сўзларига кўра, 43 яшар Назех Дарвазехга қарата исроиллик аскар ўқ узган. Айни пайтда, Фаластин ҳарбий муассасаси вакили ҳодиса узлуксиз отишма пайти содир бўлганлигини айтиб, журналист айнан қайси томоннинг ўқига учганлигини аниқлаш қийинлигини таъкидлади. Маҳаллий врачларнинг айтишига қараганда, шанба куни юз берган ушбу тўқнашув оқибатида камидан 17 нафар фаластинлик жароҳатланган.

ФАВҚУЛОДАДА МАЖЛИС

Халқимиз орасида «Сув балосидан, ўт балосидан, тухмат балосидан асрасин» деган гап бор. Бу бежиз эмас, албатта. Муттасил ёққан ёмғир оқибатида Афғонистонда кўплаб уй-жойларни сув босиб, камидан беш киши ҳалок бўлди, кўп кишилар бедарак ўйқолди. Хусусан, Багран шаҳрида 25 киши, жумладан, аёллар ва болалар тақдирини ҳамон номаълум. Ҳалокат ҳудудидан 200 га яқин киши ҳарбий вертолётлар ёрдамида қутқарилган. Афғонистон ҳукумати шу муносабат билан фавқулодада мажлис ўтказиб, ҳалокат ҳудудидаги аҳолига озиқ-овқат ва вақтинча яшаш учун жиҳозлар етказиб бериш масаласини муҳокама қилди.

ПОКИСТОН ЖАНУБИДА...

Покистон вертолётни мамлакат жанубида ердан ўққа тутилди. Оқибатда уч америкалик ва тўрт покистонлик ҳарбий хизматчи яраланишди. Америкаликлар Покистоннинг асосий газ конлари жойлашган ҳудуд яқинида изланиш олиб бораётган эдилар, бироқ уларнинг ташрифдан кўзлаган асосий мақсади номаълум. Шунингдек, ҳарбийлар олган жароҳатнинг оғирлиги даражаси ҳам маълум эмас. Ҳодиса Белужистон вилояти маркази Қветти шаҳридан 450 км. узоқликда, Бугти туманида юз берган. Оқибатда вертолёт Жакобабоддаги базага қўнишга мажбур бўлган.



Нигоҳ

Суратда: Бирлашган Араб Амирликлари. Дубай шаҳридаги қўчалардан бири



ЙИРИК ХАРИД

Жума куни Польша ҳукумати Lockheed Martin самолёт-созлик компаниясидан 3,5 млрд. долларлик 48 та F-16 қирувчи самолётини сотиб олиш тўғрисидаги шартнома-ни имзолади. Шу тарихда польшаликлар мамлакат Куролли кучларидаги СССРда ишлаб чиқарилган «МиГ»ларни замонавий «F-16»ларга алмаштиришга қарор қилишди. Бундан ташқари, ушбу харид Польшага НАТО стандартларига мувофиқлаштириш имконини беради. Маълумки, Польша 1999 йилдан ушбу ҳарбий-сиёсий ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади.

САККИЗ КИШИ ЎГИРЛАНГАН

Афсус билан қайд этиш лозимки, одам ўғирлаш замонавий «кора бизнес»нинг кенг тарқалган тури бўлиб қолмоқда. Яқинда Колумбияда шундай ҳодиса юз берди. Кариб денгизидеги Мукура оролида 20 нафар қуролланган номаълум кишилар шу ерда дам олаётган машҳур тадбиркорнинг ўғлини оила аъзолари ва кўрикчилари билан бирга ўғирлаб кетишди. Олиб кетилганларнинг сони 8 нафардир дея хабар беради маҳаллий полиция вакили. Жиноятчиларнинг бундан кўзлаган мақсади ҳозирча номаълум. Полиция тергов ишларини бошлади.

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

Ta'assischilar:
O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va
Toshkent viloyati
prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:
Bahridin Valiyev,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Jahongir Sharofboyev
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Hasan Inoyatov,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34
E-mail: huquq@infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida ofset usulida A-3 formatda chop etildi.
Korxonaning manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 332
Nusxasi — 15677

Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
D. XALILOV
Musahhib: F. MAMASHARIPOV

Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi 18.00

